4.450.000 тонна тайёр!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

17 ноябрь 1971 йил, чоршанба • № 267 (15.137). • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИНГ ПРОФЕССОРЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАРИ, СТУДЕНТЛАРИ, ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИГА

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Тошкент Давлат медицина институти профессорлари, ўқитувчилари, студентлари, барча ходимлари коллективини институтнинг шонли эллик йиллик юбилейи ва ҳукуматнинг юксак мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги билан қизғин табриклайдилар.

Тошкент Давлат медицина институти ўзининг ташкил топганидан бўён ўтган эллик йил мобайнида тараққиётнинг шонли йўлини босиб ўтди; у собиқ Туркистон Давлат университетининг ўнча катта бўлмаган факультетидан мамлакатимиздаги энг йирик медицина ўқув юртигача ўсиб камол топди. Институт Совет Ўрта Осиёсидаги биринчи олий медицина илмий маркази бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида медицина билимларини кенг оммалаштиришда, ўлка патологиясининг актуал проблемаларини ишлаб чиқиш ва ўрганишда неча мингдаб кишиларнинг ёстиғини қуритган қўйтана юқумли касалликларни тугатишда, одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги олижаноб ишда ғоят муҳим роль ўйнади.

Медицина кадрлари тайёрлашда институтнинг қилган хизматлари ғоят катта ва беҳаётир. Институт тарбиялаб етиштирган қариб 20 минг врач, 140 фан доктори ва 800 дан ортиқ фан кандидатлари илғор совет медицина фанини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, халқ соғлиғини сақлаш соҳасида жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда институтнинг 850 дан кўпроқ профессорлари ва ўқитувчилари 44 миллатга мансуб 7 мингдан кўпроқ йигит ва қизларга олижаноб врачлик касбини ўргатмоқдалар, уларни юксак коммунистик ғоявийлик, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаямоқдалар. медицина фанининг кўпгина жуда муҳим назарий ва амалий проблемаларини муваффақиятли ишлаб чиқмоқдалар, меҳнаткашларга нун сайин юқори малакали медицина ёрдами кўрсатишда актив иштирок қилмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Тошкент Давлат медицина институтини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаб, унинг соғлиқни сақлаш ва медицина фанини ривожлантиришдаги хизматларига муносиб баҳо бердилар. Бу мукофот институт профессорлари, ўқитувчилари, студентлари, ишчи ва хизматчилари шонли коллективининг фидокорона меҳнатига, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашаётганлигига, меҳнаткашлар ўртасида соғломлаштириш тадбирларининг кенг комплексини ўтказишдаги фаол иштирокига берилган юксак баҳодир. Бу юксак баҳо шу билан бирга коллектив зиммасига кўпгина мажбуриятлар ҳам юклайди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат медицина институтининг профессор-ўқитувчилар составига, студентларига, барча ходимларига ўларнинг олижаноб меҳнатида, ўқишда янги ва катта ижодий муваффақиятлар тилайдилар ҳамда институтнинг ажойиб коллективи Ватан медицина фанини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини бундан бўён ҳам кўпайтираверади, олий малакали медицина кадрлари тайёрлаш ва уларни тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишларини нун сайин такомиллаштираверади халқ соғлиғини сақлашни тинмай равнақ топтириш учун, КПСС XXIV съезди олий мактаб олдига қўйган улкан ва масъулиятли вазифаларни ҳал қилиш учун ҳормай-толмай кураш олиб бораверади, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ.
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

ПАХТАКОРЛАР ЖАСОРАТИ

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, сув камчиллиги ва ноқулай об-ҳаво шароити натижасида келиб чиққан қийинчиликларни енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, қисқа муддатда — 23 октябрда пахта тайёрлаш планини бажардилар.

Ўзбекистон деҳқонлари янги беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга бу йил илгари қабул қилинган мажбуриятга нисбатан 50 минг тонна кўп, яъни пландан ташқари камида 500 минг тонна кўп пахта сотиш юзасидан партия ва ҳукуматга сўз берган эдилар.

Пахтакорлар ўз сўзларининг устидан шараф билан чиқдилар. Мамлакатга 4 миллион 450 минг тонна, яъни пландагидан 500 минг тонна кўп пахта етказиб берилди. Пахтанинг 80 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. Ингичка толали пахта навлари тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Давлатга 193 минг тоннадан кўпроқ, яъни планга нисбатан 132 процент жуда қимматли хом ашё сотилди.

Қорақалпоғистон АССР ва республикадаги барча областларнинг хўжаликлари пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар ҳамда пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Сирдарё областининг колхозлари ва совхозлари давлатга 469 минг тонна пахта сотиб, планни 132 процент, Хоразм областининг колхозлари ва совхозлари 406 минг тонна пахта сотиб, планни 118 процент, Тошкент областининг колхозлари ва совхозлари 388 минг тонна пахта сотиб, планни 118 процент, Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари 307 минг тонна пахта сотиб, планни 115 процент, Самарқанд областининг колхозлари ва совхозлари 451 минг тонна пахта сотиб, планни 114 процент, Наманган области хўжаликлари 391 минг тонна пахта сотиб, планни 113 процент, Андижон областининг колхозлари ва совхозлари 525 минг тонна пахта сотиб, планни 112 процент, Қашқадарё областининг хўжаликлари 249 минг тонна пахта сотиб, планни 106 процент, Бухоро областининг колхозлари ва совхозлари 411 минг тонна пахта сотиб, планни 105 процент, Фарғона областининг хўжаликлари 495 минг тонна пахта сотиб, планни 105 процент, Сурхондарё областининг колхозлари ва совхозлари 359 минг тонна пахта сотиб, планни 104 процент бажардилар.

Мирзачўлнинг қўриқ совхозлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли уддалаб, давлатга биринчи марта 230 минг тонна пахта сотиб, планни 134 процент бажардилар.

Сирдарё областининг Жиззах, Пахтакор, Ильич районлари, Хоразм областининг Янгиариқ, Боғот, Тошкент областининг Оққўрғон, Бўка, Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл, Беруний, Амударё, Самарқанд областининг Жомбой, Нарпай, Наманган областининг Поп ва Учқўрғон, Андижон областининг Бўз, Қўрғонтепа, Бухоро областининг Ромитан, Қоракўл, Қашқадарё областининг Косон, Қарши, Фарғона областининг Киров, Қува, Сурхондарё областининг Жарқўрғон, Термиз районлари пахтакорлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Бу ажойиб ғалабага КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида кўрсатаётган ғоят катта ёрдами ва доимий ғамхўрлиги натижасида, республика колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, барча меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнати, Ўзбекистон партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг моҳирона олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли эришилди.

Вилтга қарши курашда катта иш олиб борилди. Деҳқончилик маданиятини ошириш, алмашлаб экишни жорий этиш ҳамда республика селекционерлари яратган вилтга чидамли чигит навларини экиш бўйича конкрет тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси мўл эртанги ҳосил етиштириш ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 26,7 центнердан ҳосил кўтариш имконини берди.

Хоразм областининг пахтакорлари гектаридан 39 центнердан, Сурхондарё области пахтакорлари ингичка толали пахта навини ҳам қўшиб ҳисоблаганда гектаридан 29 центнердан знёд ҳосил кўтардилар. Наманган, Андижон, Тошкент областларининг хўжаликлари ҳар гектар ердан 27-29 центнердан ҳосил кўтардилар.

Пахта тайёрлашда юксак суръатларга эришишда пахта териш техникаси муҳим роль ўйнади. Бу йил ҳосил йиғим-теримида 30 минг пахта териш машинаси қатнашиб, улар билан 1 миллион 800 минг тонна пахта, ёки тайёрланган жами ҳосилнинг 41 проценти йиғиштириб олинди. Машиналар билан биринчи марта ана шундай миқдорда пахта йиғиштириб олинди. Машина терими плани 107 процент бажарилди.

Сирдарё областининг механизаторлари машиналарда 321 минг тоннадан кўпроқ, ёки жами ҳосилнинг 70 процентини, Тошкент областининг механизаторлари яъни ҳосилнинг 60 процентини, Наманган области, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Андижон областларининг механизаторлари жами ҳосилнинг 37-40 процентини машиналарда териб олишди.

Мирзачўлнинг қўриқ совхозлари машиналар билан жами ҳосилнинг салкам 90 процентини йиғиб-териб олиб, рекорд кўрсаткичларга эришдилар. Республиканинг кўпгина районлари, колхозлари ва совхозлари жами ҳосилнинг 86-90 процентини машиналарда йиғиштириб олдилар.

Мавсумда 300-500 тонна, ҳатто айримлари 600-800 тоннадан пахтани машинада териб олишга муваффақ бўлган юзлаб механик-ҳайдовчилар пахта териш техникасидан юксак унум билан фойдаланиш намуналарини кўрсатдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Шоймардон Қудратов мавсумда 810 тонна пахта териб бериб, машинада пахта теришда жаҳон рекордига эришди.

Сирдарё областидан Тўлан Дадажонов, Аҳмад Валиев, Фармонқул Раҳмонқулов, Сурхондарё областидан Абдусаттор Қурбонов, Светлана Продан, Андижон областидан Ҳафиз Полвонов, Обид Акбаров, Наманган областидан Муродилла Юсупов, Холдор Хўжаев, Тошкент областидан Турсуной Охунова, Жўра Ғафуров, Самарқанд областидан Бобошер Шавкиев, Акром Мавлонов, Бухоро областидан Мукаррама Фузайлова, Қаюм Муҳамедов, Фарғона областидан Иноможон Нигитов, Ҳамроали Абдураззоқов, Қорақалпоғистон АССРдан Пардагул Розимова, Сувонберди Жуманиёзов, Бахтиёр Тажанов, Хоразм областидан Болта Жуманиёзов, Ҳалима Ҳошимова, Ғулжон Нуруллаева, Қашқадарё областидан Хонкелди Холиқов, Раҳмиддин Тожиев сингари илғор механизаторлар зиммаларига олган мажбуриятларини анча ошириб бажардилар.

Пахта териш техникасининг кенг қўлланилиши бу йил ҳосил йиғим-теримини шаҳар меҳнаткашларини, студентлар ва ўқувчиларни эсосан оммавий жалб қилмасдан туриб ўтказиш имконини берди.

Республика колхозлари ва совхозларини машиналар, эҳтиёт қисмлар, ўғитлар, дефолиантлар, гербицидлар ва бошқа химикатлар билан ўз вақтида таъминлаган машинасозлик ва химия саноатининг ходимлари пахтакорлар қўлга киритган ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Бу ғалабани қўлга киритишда катта ҳажмдаги авиахимия ишларини бажарган ва айниқса ҳосилни машиналарда йиғиштириб олиш учун дефолияция ўтказган граждан авиацияси ходимлари катта ҳисса қўшдилар.

Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларининг коллективлари пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашни яхши ташкил этдилар.

Тошкент ва бошқа шаҳарлар ҳамда посёлкаларнинг меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда деҳқонларга катта ёрдам кўрсатдилар.

Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилганлиги ҳақида рапорт берар эканлар, меҳнат ғалабасига эришилган шу қувончли кунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муттасил юксалтириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чин қалбдан миннатдорчилик билдирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш ҳақида»ги қарори қишлоқ меҳнаткашларида янги меҳнат ғайратини, Ватан олдидаги ўзининг энг биринчи интернационал ва ватанпарварлик бурчини шараф билан бажаришга бўлган интилишини, мамлакатга мумкин қадар кўпроқ пахта етказиб бериш иштиёқини жўш урдириб юборди.

Давлатга пахта сотиш давом этмоқда.

Республиканинг колхозлари, совхозларининг пахталари етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олиш учун жонбозлик билан иш олиб бормоқдалар, айни пайтда улар ерни шудгор қилиш, ирригация шохобчаларини тозалаш, шўрхок ерларни ювиш ва келгуси йилда мўл ҳосил олишнинг таъминлайдиган бошқа кузги-қишки ишларни авж олдириб юбордилар.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам анчагина ютуқларга эришилди. Пилла, жун, қорақўл тери, тухум, каноп, шоли, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва узум тайёрлаш йиллик планлари анча ошириб бажарилди. Давлатга гўшт ва сут сотиш планлари яқин кунлар ичида бажарилади. Барча турдаги чорва моллари тўёғи ва паррандалар кўпайди, маҳсулдорлиги ошди.

Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йиллиги қўйган буюк мақсадлари ва улкан режалари деҳқонлар ва чорвадорларни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда. Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтадиларки, социалистик мусобақани авж олдириб, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш планлари ва олинган мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришга, хўжалик йилини муваффақиятли якунлашга эришадилар.

КУЧЛИ ГИДРОУЗЕЛ

НУКУС, 16 ноябрь. (ЎзТАГ). Кендиўзак гидроузели ишга туширилди. Қорақалпоғистон гидромеханизаторлари Ленин номли магистрал каналида қурган бу бош иншоот ҳар секундда 350 кубметр сув ўтказа олади. Ленинобод районининг пахтакорлари билан шоликорларни шу сувдан фойдаланиб, бир неча ўн минг гектар ерни экинзорга айлантирадилар. Бу ерда пахтазорлар, шолипоялар, боғ-роғлар яратилиб, совет кишилари учун хизмат қилади.



Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг Раҳмат Эгамов бошчилик қилаётган 2- участкани бир пайтлари «тўқай» деб аташарди. Азамат чўлқуварлар тўқайзорларни чекинтирдилар. Мана, бугун бу ерларда гектаридан 40 центнердан пахта хирмони кўтардилар. Суратда: чапдан ўнгга бригада бошлиғи Мўмин Эриев, участка бошлиғи Раҳмат Эгамов, бригада бошлиғи Т. Бобоқулов ва партком секретари Х. Нишонов ўртоқлар ҳосилни сўнгги граммигача йиғиб-териб олиш устида маслаҳатлашишмоқда. Пастдаги суратда ҳосилдан бўшаган пахта майдонлари пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

А. Тўраев фотоси.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Наманган область, Янгиқўрғон райони пахтакорлари 33,9 минг тонна ўрнига 40 минг тонна «оқ олтин»ни давлатга сотиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажардилар. Улкан хирмон бунёд этишда райондаги «Победа», «Москва», «Фарғона», «Шарқ юлдузи» колхозларининг миришкорлари қўшган ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Район пахтакорлари республикамизнинг 4 миллион 500 минг тонналик хирмонига яна икки минг тонна пахта тўкишга аҳд қилдилар.

ТОЖИКИСТОН ПАХТАСИ

Тожикистон деҳқонлари давлатга 760 минг тонна пахта сотдилар. План ва мажбурият ошириб бажарилди. Тайёрланган пахтанинг учдан бир қисми энг қимматли ингичка толали навлардир.

Вахш зонасидаги хўжаликлар айниқса катта ҳисса қўшдилар. Бу зона кирк йил муқаддам кўрик ер эди. Эндиликда бу ерда асосан ингичка ва узун толали уч юз минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрланди.

Ҳозир Тожикистон далаларида ишлаётган пахта териш комбайнларининг садоси тракторлар садосига қўшилиб кетмоқда. Деҳқонлар пахта теримини тугаллаб, шудгор қилишга киришдилар. Ер ҳайдайдиган агрегатларни икки сменада ишлатиш учун тракторчилар билан таъминланган.

Республика колхоз ва совхозлари шудгорлашни қисқа муддатда тугаллашга қарор қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

АМУДАРЁДА УЛКАН ИНШООТ

АМУДАРЁДА ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИ ҚУРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXIV съездининг Директиваларига биноан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Туямўйин гидроузели қурилишини тезлаштириш масаласини қараб чиқдилар ҳамда гидроузел объектларини ишга туширишнинг қуйидаги муддатларини белгиладилар:

— 500 миллион кубометр ҳажмдаги сув омбори 1976 йилда ишга туширилади;

— гидроузелдаги 2,6 миллиард кубометр ҳажмдаги сув омборининг биринчи навбати 1977 йилда ишга туширилади;

— гидроузелдаги умумий ҳажми 5,3 миллиард кубометр бўлган сув омборининг бутун комплекси 1979 йилда битказилади.

Ўзбекистон ССР Госпланига ҳамда республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига Туямўйин гидроузели қурилишига 1971-1975 йилларда 158 миллион сўм капитал маблағлар, шу жумладан қурилиш-монтаж ишларига 133 миллион сўм капитал маблағлар ажратиш топширилди.

Бош пудратчи — «Узглавводстрой» бажарилиши лозим бўлган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари тасдиқланди. Бу ишларга қуйидаги ёрдамчи пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотлари жалб қилинади:

СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «Средазтрансстрой» ҳамда 7-«Мостострой» трестлари; «Средазэлектросетьстрой» трести, «Электросибмонтаж» трестининг 9-монтаж бошқармаси, «Гидроспецстрой» трестининг Ўзбекистон бошқармаси, «Гидромонтаж» трестининг Ўзбекистон монтаж участкаси, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги «Гидромеханизация» трестининг Ўрта Осиё бошқармаси; СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Союзвзривпром» трестининг Тошкент ихтисослаштирилган бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, бош лойиҳачи — «Гидропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлимига Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши бош бошқармаси билан биргаликда 1971 йил 1 декабрга қадар Туямўйин гидроузели қурилишининг ишга туширилади комплексини, шунингдек, ушбу комплексга зарур бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини беришнинг келишилган графигини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилди.

Ўзбекистон ССР «Госстрой»и, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши бош бошқармаси, «Гидропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими, Хоразм область партия комитети ва область ижроия комитетининг СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан келишилган ҳолда Туямўйин гидроузели қурувчиларининг поселкасини Питнак қишлоғининг ғарбий зонасидаги бўш ётган ерларга жойлаштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинди.

Хоразм область ижроия комитети Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда «Узглавводстрой» билан биргаликда мазкур поселкага 200 гектар ер участкаси ажратиб бериш, «Узгоспроект» институти ишлаб чиққан планлаштириш схемаси бўйича бир ҳафталик муддат ичида 1-2-4 қаватли қурилишлар бўлишини мўлжаллаб архитектура-план топшириқларини бериши лозим.

Поселкани лойиҳалаштириш «Узгоспроект» лойиҳа институтига, инженерлик-геология ва топографик тадқиқотларни бажариш САОГгидропроект билан шартнома асосида УзГИИТИ институтига топширилди.

(Давоми иккинчи бетда).

АМУДАРЁДА УЛКАН ИНШООТ

[Боши биринчи бетда].

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиш бош бошқармасига 1972-1973 йиллар мобайнида 20 минг квадрат метр саҳндаги йиғма стандарт уйлардан вақтинчалик поселка қуришга рухсат этилди. Унга кетадиган харажатлар Туямўйин гидроузелининг кўзда тутилмаган сарфлари ва харажатлари ҳисобига қопланади.

Ўзбекистон ССР Госпланига 1972 йил лойиҳаси планида ана шу мақсадлар учун «Узглавводстрой»га 12 минг квадрат метр саҳндаги стандарт йиғма уй ва 1973 йил планига 8 минг квадрат метр шундай уй қуришни кўзда тутиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига 1972-1974 йилларда Урганч уйсозлик комбинатининг маҳсулотидан 2,2 миллион сўмлик ҳажмдаги монтаж ишларини бажариб, 16 та йирик панелли уйларни монтаж қилиш, шу жумладан 1972 йилда 0,72 миллион сўмлик ҳажмдаги 4 та уйни монтаж қилиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Госплани 1972 йилда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига республика фонди ҳисобидан Урганч шаҳридаги панелларни Туямўйин гидроузели қурилишига олиб келиш учун 3 та панел ташийдиган машина ажратиб беришни кўзда тутиши лозим.

«Средазтрансстрой» трестига 1972 йил мобайнида Туямўйин станцияси темир йўлини ҳамда унинг саноат базаси иншоотларига олиб келадиган шохобчаларини қуриш топширилди. Мана шу йўллар 1973 йилда эҳтиёжни қоплайдиган ҳажмда юк обороти ўтказишни таъминлаши ҳамда ишчиларни ташишни таъминлаши лозим.

САОГгидпроект «Ташгипротранс» институти билан биргаликда қурувчиларни поселкадан гидроузелга ташишни таъминлайдиган темир йўл лойиҳасини 1972 йил 1 майгача ишлаб чиқиши лозим.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига 1971-1975 йилларда зарур бўлган ҳажмдаги юк ташиш ишларини Туямўйин гидроузелида амалга ошириш таклиф этилди. Шу жумладан 1972 йилда 2,84 миллион тонна, 1973 йилда 3 миллион тонна, 1974 йилда 3,25 миллион тонна ва 1975 йилда 3,58 миллион тонна юк ташилишини таъминлаши керак.

Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР «Главснаб»иги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига 1972 йилда Туямўйин сув омбори қурилиши учун Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши бош бошқармасига 25 та КРАЗ-256 автомашинаси, 100 та МАЗ-503 автомашинаси, 10 та КАВЗ-651 автобуси, 2 та сув сепадиган машина ва бошқа машина ҳамда ускуналар ажратиб беришни кўзда тутиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Госплани ҳамда Ўзбекистон ССР «Главснаб»иги Туямўйин станцияси темир йўли ва саноат базасига олиб борадиган темир йўл шохобчалари учун 1972 йилда СЦБ алоқа жиҳозларини етказиб бериш масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига Урганч заводидан Питнак станциясига силиқат ғиштини узлуксиз етказиб бериб турилишини таъминлаш, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига эса Туямўйин гидроузели қурилиши учун бу ва бошқа материалларни ташиш планлари асосида вагонлар беришни таъминлаш топширилди.

САОГгидропроекти 1971 йил 1 декабрга қадар Султонсанжар карьеридаги норуда материаллар запаси ва сифатини аниклаш ҳамда Туямўйин гидроузели қурилишини мана шу материаллар билан таъминлаш юзасидан ўз таклифини бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига норуда материаллар қазиб чиқаришни кўпайтириш учун 1973 йилда Сариосиё шағал саралаш заводини кенгайтириш вазифаси юкланди.

Алоҳида муҳим қурилишларни лойиҳалаш ва қуришга раҳбарликни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига капитал қурилиш бош бошқармаси ҳузурида 6 кишилик штати бўлган катта тўғонлар ва сув омборлари бошқармасини ташкил этишга рухсат берилди. Ушбу штат министрлик бўйича маъмурий-хўжалик ходимларини сақлашга ажратиладиган лимит доирасида бўлади.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши бош бошқармасига 1971-1972 йилларда «Туямўйингидрострой» қурилиши бошқармаси таркибида қўшимча равишда 3 та қурилиш-монтаж бошқармаси, ишлаб чиқариш технология комплекцияси бошқармаси, ёрдамчи корхоналар комбинати ҳамда ишчи таъминоти бўлими тузишга, шунингдек 1972-1974 йилларда Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш-лаборатория корпуси ва 17 минг квадрат метр саҳнли уй-жой қуришга рухсат этилди.

«Узглавводстрой» қурилиш ихтисосларидаги кадрларни тайёрлаш учун 1972 йили Питнак поселкасида 300 кишилик ҳунар-техника билим юрти, шунингдек, 150 кишилик ўқув комбинатини қуриши керак.

«Узглавводстрой»га қуйидагиларни амалга ошириш топширилди:

—1972-1973 йилларда Туямўйин гидроузели саноат базасида 400 машинага мўлжалланган автобаза қурилишини ниҳоясига етказиш, бунда шу база таркибида Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг 100 та оғир юк ортадиган машинаси учун бино ҳамда бу машиналарни сақлаш ва уларга техника хизмати кўрсатадиган майдонча қуришни кўзда тутиш, шоферларга нормал уй-жой ва маданий-маиший шароитни ратиб бериш;

— гидроузелда 1971-1972 йилнинг қиш даврида узлуксиз ишни таъминлаш учун уй-жой, саноат корхоналари, йўллар, транспорт, механизмлар, омборлар ва бошқа иншоотларни тахт қилиб қўйиш. Изгиринли кунлар бошлангунга қадар қозонхонани теплотрассалар билан бирга фойдаланишга топириш, қурилиш майдончасига узлуксиз равишда электр энергияси берилишини таъминлаш.

Ўзбекистон ССР Алока министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва «Узглавводстрой»га Питнак-Хазорасп-Урганч орасида бевосита алоқани ўрнатиш ва бир ой ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига таклиф тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1972 йили Туямўйин сув омборига комсомол йўлланмаси билан 500 кишини юбориши керак.

Хоразм область партия комитети ва область ижроия комитетига;

—қурилишни малакали инженер-техник ходимлар билан мустаҳкамлаш, 1971 йили 300 та, 1972 йилда эса 500 та ишчини қурилишга юбориш;

—қурилишда зарур маданий-маиший шароитларни яратиш, Туямўйин гидроузели қурувчиларини медицина, савдо ва транспорт хизмати билан таъминлаш таклиф этилди.

Л. И. Брежнев нутқи арман тилида нашр этилди

ЕРЕВАН. (ТАСС). Арманистоннинг «Айастан» давлат нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Бутуниттифоқ студентлар слётида 1971 йил 19 октябрда сўзлаган нутқини арман тилида алоҳида брошюра қилиб чиқарди.

Жанубдаги қўшнимиз учун

ДЕНОВ, 12 ноябрь. (ЎзТАГ). Ёғ-экстракция заводи Афғонистонга кунжара ортилган дастлабки вагонларни жўнатди. Ноябрь ойида шу қўшни мамлакатга чорва моллар учун ғоят сифатли ем ҳисобланган юзлаб тонна кунжара жўнатилади. Денов ёғ саноати ходимлари ўз мақсулотини бир неча йилдан бери Афғонистондан ташқари яна иккита хорижий мамлакатларга юбормоқда. Улар бир неча йиллардан бери Германия Демократик Республикасига тозаланган чигит мойи ва Куба республикасига кунжара етказиб бермоқдалар.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 16 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

[Планга нисбатан процент ҳисобида].

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Машинада мавсум бошидан
СИРДАРЁ	0,26	131,39	0,02	136,14
ХОРАЗМ	0,26	117,72	0,41	93,93
ТОШКЕНТ	0,06	117,46	0,02	104,93
ҚҚ АССР	0,52	114,62	0,59	94,41
САМАРҚАНД	0,22	114,04	0,04	114,85*)
НАМАНГАН	0,15	113,43	0,22	119,36
АНДИЖОН	0,16	111,71	0,15	108,16
ҚАШҚАДАРЁ	0,23	105,97	0,34	66,86
БУХОРО	0,23	105,27	0,29	108,30
ФАРҒОНА	0,41	105,23	0,30	106,19
СУРХОНДАРЁ	0,12	103,50	0,05	86,22
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА:	0,24	112,60	0,22	106,60

Шу жумладан ингичка толали пахта:

БУХОРО	бир кунда	1,45	мавсум бошидан	135,99
ҚАШҚАДАРЁ	бир кунда	1,08	мавсум бошидан	131,53
СУРХОНДАРЁ	бир кунда	0,30	мавсум бошидан	111,29
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА:	бир кунда	0,63	мавсум бошидан	131,80

*) Маълумот аниқланган.

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 16 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан бўён; учинчи устун — мавсум бошидан бўён машинада:

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ			Зарафшон	118,70	118,19
Мирзачўл	154,26	182,63	Чуст	114,43	122,48
Жиззах	150,72	171,50	Уйчи	113,55	112,09
Пахтакор	141,06	168,75	Наманган	109,51	112,67
Ильич	139,07	171,75	Учқўрғон	108,41	117,42
Дўстлик	135,73	158,91	Тўрақўрғон	106,08	107,25
Сирдарё	128,16	129,86	АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Ворошилов	126,66	109,69	Бўз	120,87	141,07
Янгиер	125,56	122,97	Избоскан	117,71	141,79
Гулистон	123,85	101,35	Хўжаобод	117,64	101,63
Боёвут	117,99	93,85	Ленин	114,30	78,66
Оқ олтин	113,26	123,73	Пахтаобод	113,94	114,64
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ			Қўрғонтепа	111,04	108,83
Янгариқ	123,03	106,14	Андижон	110,35	76,26
Шовот	122,95	100,42	Москва	106,90	101,55
Боғот	121,79	92,18	Марҳамат	103,83	102,05
Урганч	121,36	105,81	Балиқчи	102,70	104,35
Гурлан	116,05	105,13	ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Хива	113,71	81,99	Қарши	134,40	145,92
Қўшкўпир	111,48	76,85	Косон	129,81	125,12
Ҳазорасп	108,27	72,04	Қамаши	115,95	76,44
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ			Чироқчи	107,86	79,96
Пискент	124,16	104,88	Ғузор	104,94	42,49
Оққўрғон	121,12	111,64	Ульянов	104,04	54,26
Бўка	120,93	108,36	Яккабоғ	100,01	79,52
Юқори Чирчиқ	119,95	159,47	Китоб	97,20	43,12
Ўрта Чирчиқ	116,31	102,05	Шаҳрисабз	85,72	32,17
Янгийўл	114,60	86,92	БУХОРО ОБЛАСТИ		
Бекобод	108,36	87,40	Ромитан	115,61	115,44
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР			Бухоро	112,32	110,45
Қўнғирот	162,58	132,18	Қоракўл	110,54	119,83
Нукус	131,44	150,94	Навоий	105,80	109,45
Амударё	122,49	95,08	Вобкент	103,27	100,61
Шуманай	122,28	97,71	Ғиждувон	102,54	117,16
Хўжайли	116,74	108,27	Свердлов	102,45	100,47
Беруний	113,65	98,01	Шофиркон	102,30	98,42
Тўрткўл	111,47	85,44	Қизилтепа	94,24	129,03
Чимбой	111,31	103,23	Когон	80,93	69,50
Кегайли	107,15	81,45	ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Ленинобод	103,50	91,06	Киров	124,57	136,24
Тахтакўпир	96,82	68,55	Фарғона	113,41	100,98
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ			Риштон	108,01	105,27
Бахмал	134,42	—	Ўзбекистон	105,81	120,38
Булунғур	126,99	121,92	Қува	104,39	101,01
Жомбой	126,16	109,29	Ленинград	103,32	77,84
Самарқанд	123,41	133,80	Охунбобоев	101,39	99,80
Ғаллаорол	123,40	172,80	Фрунзе	101,08	132,58
Оқдарё	120,31	120,18	Боғдод	100,63	95,05
Пайариқ	115,52	104,56	Олтиариқ	96,74	98,94
Хатирчи	115,06	126,08	Қувасой	93,41	86,59
Нарпай	112,09	130,97	СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Иштихон	111,57	104,81	Жарқўрғон	125,04	108,50
Пастдарғом	107,84	100,96	Термиз	117,42	95,06
Каттақўрғон	105,65	109,04	Шеробод	114,48	117,27
Ургут	83,54	—	Гагарин	111,66	138,98
НАМАНГАН ОБЛАСТИ			Шўрчи	99,44	72,62
Поп	121,28	139,17	Денов	90,57	73,36
Янгиқўрғон	119,95	113,68	Сариосиё	83,44	50,72

ДОН ЭКИНГ, ШУДГОР ҚИЛИНГ!

Узбекистон ССР областларида ер ҳайдаш, кузги дон экиш ва 1972 йил ҳосили учун шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 16 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — ҳайдалган майдон (гектар ҳисобида), иккинчи устун — планнинг бажарилиш проценти; учинчи устун — кузги дон экиш (гектар ҳисобида); тўртинчи устун — планнинг бажарилиш проценти; бешинчи устун — шудгорланган майдон (гектар ҳисобида), олтинчи устун — планнинг бажарилиш проценти.

Тошкент	57500	93,7	45030	73,4	104239	46,7
Сирдарё	135002	100,4	121546	90,4	91245	36,6
Фарғона	1773	45,8	2338	60,4	8753	7,5
Наманган	3885	41,4	4851	51,7	32761	24,8
Андижон	906	43,9	5628	272,5	50931	25,4
Самарқанд	297813	98,0	255234	84,0	48420	18,9
Бухоро	375	—	33	—	14341	8,0
Қашқадарё	267968	100,7	243276	91,4	3405	2,6
Сурхондарё	47906	88,6	36036	66,6	6696	5,1
Хоразм	89	—	89	—	4907	32,7
ҚҚ АССР	—	—	17	—	4035	10,9
Республика бўйича:	813217	97,4	714078	85,5	369733	22,1

ЎЗБЕК ОЛИМИ КЎКСИДА С. И. ВАВИЛОВ МЕДАЛИ

Вилт — оқпалакка чидамли пахтанинг янги «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навларининг хусусиятига пахтакорлар юксак баҳо бермоқдалар. Бу йил ана шундай навлар республикамизда 200 минг гектар ерга экилди. Келгуси йилда уни салкам бир миллион гектарга экиш мўлжалланяпти. Пахтанинг бу навига талаб катта.

Куни кеча Округ офицерлар уйида Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР «Билим» жамиятлари шаҳар ва район ташкилотлари правлениелари масъул секретарларининг КПСС XXIV съезди ва лекция пропагандасининг сифатини оширишда жамият ташкилотларининг вазифаларига бағишланган республикаларо семинарида «Тошкент» навларининг ихтирочиси, биология фанлари кандидати Содиқ Мирҳамедовга С. И. Вавилов номидаги медаль топширилди.

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг биринчи раиси, машҳур совет олими С. И .Вавилов номидаги бу медаль сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилиш ва меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш ишига муносиб хисса қўшган кишиларга берилади. Биология фанлари кандидати Содиқ Мирҳамедов ҳам илмий ишни кенг жамоат ишлари билан узвий равишда қўшиб олиб боргани — сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилишга муносиб ҳисса қўшгани учун ушбу медални олиш шарафига муяссар бўлди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳим Мўминович Мўминов мукофотни топшира туриб; — бу олий мукофотга сазовор бўлган олим Содиқ Мирҳамедов деҳқон кутган «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» каби пахтанинг янги навларининг авторидир деганда, семинар қатнашчилари Содиқ Мирҳамедовни қарсаклар, чалиб қизғин қарши олдилар. «Тошкент» навли вилтга чидамли пахта навини яратган олим ўзининг жавоб нутқида бу юксак мукофот учун партия ва ҳукуматимизга қизғин миннатдорчилик билдирди ва бундан кейин ҳам КПСС XXIV съезди қарорларида қўйилган вазифаларни бажаришда ва меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялашда ўзининг муносиб ҳисса қўшишга доимо тайёр эканлигини билдирди.

У. АБДУАЗИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. ХОЛИҚОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕР ТУЗУВЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик органларидаги кўп йиллик самарали ишлари учун «Ўзгипрозем» лойиҳалаш институти Фарғона бўлимининг ер тузувчи-инженери Иброҳимжон Холиқовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ер тузувчи» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил, 16 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

Самарқанд шойи тўқиш фабрикасида кўплаб тўқувчилар йиллик топшириқларни бажариш арафаси да туришибди. Сиз суратда кўраётган тўқувчи Шарофат Ғуломмирзаева ана шундай зарбдорлардан.
В. Сироткин фотоси.



Шеробод даштида жуда кўп серҳосил ерлар ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалик оборотига киритилмоқда. Бу ерга катта сув келиши билан яна кўплаб ерлар ўзлаштирилади. Сиз суратда даштга сув келтирадиган Шеробод насос станциясининг пўлат қувурларини кўриб турибсиз.
А. Варфоломеев фотоси, АПН.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Социалистик тузум халқ фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш, меҳнат шароитини, турмуши ва дам олишини яхшилашни таъминлайди. СССРда аҳоли саломатлигини сақлаш даражасини кўтаришга хизмат қилувчи социал-иқтисодий ва тиббий чоралар амалга оширилмоқда.

Халқ саломатлигини сақлаш совет давлатининг муҳим вазифаларидан биридир.

Социализмнинг улуғвор талабаларидан бўлган соғлиқни сақлаш системаси аҳоли саломатлигини маълум даражада яхшилашга имкон берди ва кўпгина касалликлар билан оғришни камайтирди. Қатор юқумли касалликларнинг йўқ бўлишига, болалар орасида ўлимнинг кескин камайишига, кишилар умрининг маълум даражада узайишига шароит яратди.

Ташқи муҳитни ифлослашишининг олдини олиш, меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш, дам олишларини намунали уюштиришга қаратилган санитария-гигиена, эпидемияга қарши санитария чора ва тадбирларини амалга ошириш барча давлат органларининг, корхоналар, муассасалар, колхозлар, касаба союзлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг бурчидир.

Республикамиз территориясида бу вазифа асосан ҳамма томонидан бажарилмоқда. Лекин шу билан бирга айрим мансабдор шахсларнинг санитария қоидаларига риоя қилмаётганликлари кишилар саломатлигига зарар келтирмоқда.

Масалан, Тошкент станцияси 1-йўллар ресторани ходимлари овқат тайёрлашда санитария қоидаларини қўпол равишда бузганлар. Натижада хўрандалардан бир неча киши овқатдан заҳарланганлар. Бунинг учун ишлаб чиқариш мудири ва ресторан ошпазлари Савельева, Содиқова, Спасова ва Тўхтабоева ҳамда бошқалар жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум қилиндилар.

Шу йил август ойида Тошкентга Андижон областидан бадиий ҳаваскорлик иштирокчилари келишган эди. Уларнинг ҳаммасининг кайфиятлари чоғ, шаҳарни айланиб бўлгач, телестудия қошидаги ошхонага кириб овқатландилар... Шундан сўнг 31 киши касалхонага тушди. Бунга эскириб қолган лагмонинг истеъмол қилинганлиги сабаб бўлган. Ўз ишига совуққонлик билан қараган ошпазлардан Содиқов, Аброров ва Мирзааҳмедовлар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Яқин кунларда улар суд олдида жавоб берадилар.

Санитария-гигиена ва эпидемияга қарши санитария қоидаларига амал қилмаган шахслар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар. Чунончи санитария-эпидемиология станцияси органлари томонидан Қашқадарё область Ғузор районоп матлубот жамиятига қарашли 5-ошхонанинг мудири А. Абдуллаев бирнеча бор маъмурий тартибда жазо олган эди. Лекин у бундан тегишли хулоса чиқармасдан, ошхонада озодликка амал қилмади. Шунинг учун прокуратура томонидан Абдуллаевнинг жиноий иши қўзғатилди. У жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари шу йилнинг ўзида Намангандаги «Ўзбекистон» ресторанининг директори Муҳиддинов, шу ресторанинг ошпази Хўжаев, Гулистондаги «Гастроном» магазинининг директори Керимов ва бошқалар прокуратура органлари томонидан санитария-гигиена қоидаларини бузганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Санитария кузатув органлари санитария-гигиена қоидаларини бузганликлари учун кўпгина савдо тоҳкалари, ошхоналар, буфетлар ва бошқа корхоналарни бекитиб, уларга катта жарима солди. Ўнлаб кишилар ишдан четлатилди. Санитария қоидалари айниқса республикамизнинг умумий овқатланиш корхоналарида бузилмоқда. Бу санитария кузатув органлари ишида камчиликлар кўплигидан далолат беради. Санитария кузатув органларининг ходимлари кўпинча ўз қарорларининг ижро этилиши устидан назорат қилмаётирлар. Масалан, Фарғона область санэпидстанциясининг бош врач ўринбосари қарори билан Қўқон умумий овқатланиш трести ходимларидан Раҳимова ва Мирзаеволарга жарима солинган эди. Санитария эпидемиология станцияси томонидан тегишли контролнинг йўқлиги натижасида бу қарор бажарилмай қолди.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ва коммунал хўжалик ташкилотлари шаҳар ва қишлоқларнинг озодалигини сақлаш, уларнинг санитария аҳволини яхшилаш ишлари билан шуғулланувчи муассасаларнинг ишини етарли назорат қилмаётир. Бухоро областида, Тошкент ва бошқа шаҳарларда фаррошлар штати бор. Масалан, Бухоро шаҳар коммунал хўжалик бўлимида шаҳарни тозалаш учун 603 та фаррош штати белгиланган. Амалда эса 372 фаррош бу иш билан шуғулланаётир. Шундай ҳоллар ҳам мавжудки, баъзи уй бошқармалари фаррошлар ўрнига паспортистка, рассом ва бошқа ходимларни қабул қилмоқдалар.

Совет қонунлари халқ саломатлигини сақлашни янада яхшилашга хизмат қилиши даркор. Шу муносабат билан республикамиз прокуратураси қўйи прокурорларга санитария-гигиена қоидаларини бузувчиларга қарши курашни кучайтирувчи қўшимча чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар берди.

ИНСТИТУТНИНГ ОЛТИН ТЎЙИ

16 ноябрь куни Ўзбекистон пойтахтидаги Санъат саройи студентлар, муаллимлар, врачлар, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан лиқ тўлди. Улар Тошкент медицина институтининг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали кечада Москва, Ленинграддан, иттифоқдош республикалардан келган меҳмонлар билан бирга қатнашдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов кириш нутқи сўзлаб очди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида якдиллик билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов Меҳнат Қизил Байроқ орденини Тошкент медицина институти байроғига тантанали равишда тақиб қўйди. Институт кадрлар тайёрлашдаги, соғлиқни сақлашдаги ва медицина фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун шу орден билан тақдирланган эди. Н. М. Матчонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Тошкент медицина институти коллективига йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси У. О. Орипов институт босиб ўтган шонли йўл тўғрисида гапириб берди.

...Бу ўқув юрти йилномасининг биринчи саҳифаси Туркистонда Совет қоқимияти эндигина ўрнатилган қийин дамларда битилган эди. Ўша вақтда В. И. Ленининг шахсан берган кўрсатмасига мувофиқ Тошкентда ташкил этилаётган Давлат университети составига медицина факультети ҳам киритилган эди. Бу факультетга москвалик профессорлар бошчилик қилдилар, тошкентлик ташаббускор врачлар билан биргаликда медицина кадрлари тайёрлаш, даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш баразасини ярата бошладилар.

ТошМИни мамлакатимиз шарқида медицина фани ва олий медицина таълимининг бешиги, деб ҳақли равишда атайдилар. Шу вақтгача бу даргоҳда 20 минг врач тайёрланди. Бу — ҳозирги Ўзбекистон территориясида Октябрь революциясидан олдин бўлган врачларга нисбатан икки юз баравар кўпдир.

Институтнинг моддий базаси йил сайин кенгайиб бермоқда.

Юбиляр институтни, республика соғлиқни сақлаш министри, профессор Қ. С. Зоиров, Тошкент Тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева, Тошкент Давлат университетининг ректори, профессор Т. А. Саримсоков ва бошқалар қизғин табрикладилар. Улар КПСС XXIV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг студентлар Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқида белгилаб берилган бутун таълим-тарбия ва илмий тадқиқот ишини яхшилашда ТошМИ коллективига янгидан янги муваффақиятлар тиладилар.

Мажлис аҳли баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига табриконма йўллади. (ЎзТАГ).

Совет ходими минбари

БУГУНГИ АНДИЖОН

Андижон шаҳри шу йилнинг ўзида икки марта мукофотланди. Биринчи мукофотни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва касаба союзлари республика Совети берди. Иккинчи мукофотни эса Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлиги, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба союзлари республика комитети тақдим этди. Ҳар икки мукофот ҳам шаҳарларни ободонлаштириш бўйича ўтказилган мусобақада голиб чиққани учун берилди.

Кейинги йилларда шаҳарнинг қиёфаси ўзгарди. Янги уй-жой массивлари, равон, текис кўчалар, хиёбонлар, мактаблар, болалар богчалари ва магазинлар, маъмурий бинолар, йирик саноат корхоналари, касалхона, маданият муассасалари қурилди.

Янги микрорайонда ўнлаб қўп қаватли бинолар, кварталлар, кенг кўчалар бунёд этилди. Болалар богчаси, алоқа бўлими, поликлиника, «Нодира» кинотеатри, қатор савдо шохобчалари қурилди.

Йил бошидан буён шаҳарда 100 минг квадрат метр йўл ва хиёбонга асфальт ётқизилди. Кўпгина кўчаларга кундузги ёруғ берувчи чироқлар қўйилди.

Шаҳар канализацияси тартибга солинди. Озодалик иншоот фойдаланишга топширилди. Автобус тўхташ жойлари намунали ҳолга келтирилди. Соябонлар қурилиб, скамейкалар қўйилди. Энг муҳими, шаҳарда қурилиш изга тушди. Илгари дуч келган жойга қураверардик, келгусини ўйламасдик. Оқибатда кўп уйлар узоқ «умр» кўрмас эди. Масалан, Андижон сут-мой заводи атрофидаги турар-жой бинолари яқинда қад кўтарганди. Шунга қарамасдан бу ердаги бутун бир маҳаллани бошқа жойга кўчиришга тўғри келди. Эндиликда шаҳар ижроия комитети йўл қўйилган хатоларни тузата бошлади. Ҳар бир бино бош план асосида ўз ўрнига қурилянти. Диққатга сазовор ўзгаришлардан яна бири шуки, кўчалар комплекс обод қилинмоқда.

Шаҳарда троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Шу муносабат билан шаҳар марказидан ўтадиган Карл Маркс, Киров ва бошқа кўчалар троллейбус қатнови учун мослаштирилди

Шаҳарнинг санитария аҳволини яхшилаш соҳасида ҳам ибратли ишлар қилиняпти. Шаҳар ижроия комитети савдо тармоқларини гартибга солиш тўғрисида қарор қабул килди Шаҳардаги пиво ва мороженое дўконлари марказлаштирила бошланди. Вокзал олдида пиво, мороженое сотадиган махсус павильон очилди. Бу ерда хўрандалар учун барча шарт-шароит бор

Четдан келган меҳмон бозорга боради. Шаҳар бозорлари кўримсиз, қаровсиз эди. Биргина колхоз бозорининг ўзи 15.5 гектар ерни банд қилиб ётарди. Депутатлар бозорларни обод ва кўркам қилиш масаласини кўтардилар. Шундан кейин колхоз бозори анча ободонлаштирилди. Янги павильонлар, меҳмонхона қурилди. Бозор ичидаги савдо тармоқлари марказлаштирилди. Бошқа бозорлар ҳам тартибга солинмоқда.

Шаҳарнинг санитария қолатини янада яхшилаш мақсадида озодалик ва саломатлик ойлиги ўтказилди. Бунда бутун шаҳар аҳолиси қатнашди. «Электроаппарат» заводи, ёг комбинати, 3-пахта заводи, қурилиш техникуми ва бошқа муассасаларнинг коллективлари шаҳарни ободонлаштириш учун курашда фидокорлик кўрсатдилар. Ҳашарчиларнинг кучи билан кўчалар, хиёбонлар, парклар, маҳаллалар, ҳоларларнинг атрофлари, ҳовлилар, ариқлар тозаланди, гулзорлар ўтоқ қилинди

Мирпўстин маҳалла аҳолиси яхши ташаббус билан чиқди. Улар Андижонни намунали шаҳарга айлантириш тўғрисида мурожаатнома қабул қилдилар. Мирпўстиникликлар мурожаати шаҳардаги 46 та маҳалланинг ҳаммасида ишлаб чиқилди.

Шаҳар аҳолисининг бешдан тўрт қисми маҳаллаларда яшайди. Шунинг учун ижроком маҳаллаларни обод қилишга алоҳида эътибор берянти. Ҳар бир маҳаллада депутатлар группаси тузилди. Бу группалар ҳам маҳаллаларни обод қилишни кўзлайдилар.

Умуман, шаҳар Советининг 350 депутати, ижроком, унинг бўлимлари ва активлари бутун диққат-эътиборни шаҳарни ободонлаштиришга қаратган. Шаҳарда ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадиган алоҳида штаб ва оператив группа тузилди. Ижроком қошидаги жамоатчилик асосида ишлайдиган бўлимлар фаолияти кучайтирилди.

Андижонни намунали шаҳарга айлантириш учун ҳали кўп тер тўкишимиз керак. КПСС XXIV съездида шаҳарларни ободонлаштиришга кўпроқ эътибор бериш кераклиги алоҳида уқтириб ўтилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев съездга ҳисобот докладида бундай деди: «Социализмнинг афзалликлари шаҳарларнинг табиий ўсиш процессини улардаги аҳолининг тобора соғлом ва қулай турмуш шароитларидан фойдалана олишига йўналтириш имконини беради».

Андижонда бундан буён ҳам уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, транспорт системасини такомиллаштириш соҳасида катта ишлар қилинади. КПСС XXIV съезди Директивларида белгиланганидек. Андижон шаҳрида тўқкизинчи беш йилликда ип-газлама комбинати қуриш бошлаб юборилади. 600 ўқувчига мўлжалланган профессионал-техника билим юрти учун бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1973 йилда 750 ўринли Андижон клиник касалхонаси қурилиши тугалланади. Яқинда касалхонанинг биринчи навбати ишга туширилди. 120 ўринли болалар касалхонаси, биринчи категорияли дорихона қурилади. Бу йил Андижоннинг эски шаҳар қисмида саноат корхоналари маблағи билан 250 кишига хизмат қиладиган поликлиника қуриш бошлаб юборилади

Белинский кўчасида «Интурист» меҳмонхонаси қурилиб ишга туширилади. Меҳмонхонада кино зали, чойхона бўлади. Темир йўл вокзали қайта қурилади Шаҳар аҳолисини тоза сув билан таъминлаш масаласи узил-кесил ҳал қилинади

Бу улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қатор масалаларни ҳал қилиш керак. Шаҳар Совети ижроия комитети ва унинг депутатлари ҳозир шулар ҳақида ўйлаяпти. Масалан, ҳар йили шаҳар кўчалари, хиёбонлар, бекатларга миллион-миллион гул кўчат экилади Лекин уларни яхши асрамаймиз Шаҳар кўкаламзорлаштириш идораси кўчат экилгандан кейин уни саклаб қолиш ҳақида кам бош қотиради. Шаҳардаги ариқлардан доимо сув окиб турмайди Шаҳарда 20 та мироб бор. Аммо улар ўз бурчларини садоқат билан ўтамайдилар. Масъулиятни ҳис этмайдилар Шунинг учун кўп кўчатлар қуриб қолади.

Кўплаб маблағ, меҳнат сарф қилиб экилган кўчатларни тўла сақлаб қолиш учун шаҳар кўкаламзорлаштириш идораси шаҳар кўкаламзорлаштириш ва суғориш идорасига айлантирилди.

Шаҳарда 369 та кўча бор. Лекин уларнинг кўпчилиги электрлаштирилмаган. Электрлаштирилган кўчалардаги чироқлар эса вақтида ёқилмайди. Бир кўчада чироқ ёнса, иккинчисида ёнмайди. Синган лампочкалар алмаштириб турилмайди Чунки бир кўчани шаҳар коммунал хўжалиги ёритса, иккинчисини шаҳар электр тармоқлари идораси ёритади. «Нега фалон кўчада чироқ ёнмади?» десангиз, икки идора айбни бир-бирига тўнкайди. Бу ишни тартибга солиш учун Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги каби шаҳарни ёритиш идораси ташкил этиш керак.

Андижонликлар ўз шаҳарларини энг замонавий, обод ва кўркам қилиш учун меҳнатларини аямайдилар.

А. ЖАЛИЛОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Андижон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

ЯНГИ ШАҲАРЛАР ҚАД КЎТАРАДИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қурилиш трести ва «Цемтеплострой» бошқармаси Қорақалпоғистонда қурилиш индустриясининг бир йўла тўртта корхонасини қуришга киришди.

2-3 йилдан кейин ишга тушириладиган янги заводлар Қорақалпоғистон бинокорлик материаллари комбинатига қўшилгандан кейин бу комбинатнинг қуввати икки баравар кўпаяди. Комбинат фақат пишиқ ғиштнинг ўзидангина йилига чорак миллиард донага яқин ишлаб чиқара олади.

Республиканинг шимолида, Кўнғиротда янги ғишт заводи қурилмоқда. Жанубда, Берунийда аглопорит блоклар заводи бино қилинмоқда. Автоном республиканинг пойтахти Нукусда яна битта шундай корхона барпо этилмоқда. Яна шу Нукусда қурилаётган пардоз керамикаси цехи йилига 35 минг квадрат метр пардозлаш плиталари ишлаб чиқаради.

Кейинроқ бориб республиканинг жанубида — Тўрткўлда яна бир завод қурилади, шунингдек Чимбой ва Берунийдаги ишлаб турган ғишт заводлари реконструкция қилинади. Эскириб колган ҳалқали печлар ўрнига туннель печлар ишга туширилгандан кейин бу корхоналарнинг қуввати ҳам кўпаяди. улар ишлаб чиқараётган ғиштларнинг сифати ҳам яхшиланади.

М. ЧИМБЕРГЕНОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

ҚОРАҚАЛПОҚ ШОЛИСИ

НУКУС. **[«Совет Узбекистони» мухбири].** КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошираётган Қорақалпоғистон Автоном Республикаси шоликорлари табиат қийинчиликларини енгиб, Амунинг қуйи этакларида мўл-кўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Она-Ватанга 54 минг тонна ўрнига 54 минг 760 тонна шоли етказиб берилиб, йиллик план ошириб бажарилди. Бу зафарга «Қаракалпакирсовхозстрой» бошқармасига қарашли ихтисослаштирилган хўжаликлар муносиб ҳисса қўшдилар. Чапаев номли, «ВЛКСМ 50 йиллиги», «Маданият», «Қораўзак» ва бошқа шоликор хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига пландагидан 3-4 центнер кўп бўлди. Ўнлаб бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 45-55 центнерга кўпайди.

Етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси механизмлар ёрдамида ўриб-янчилди. Далада ҳали ҳосил кўп. Автоном Республика шоликорлари яна 6 минг тонна шоли топшириб, ялпи ҳосилни 60 минг тоннага етказиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ҚАДИМИЙ ЁДГОРЛИК

Кейинги йилларда республикамиз археологлари кидирув ишларини олиб бориб, халкларимиз ўтмишига оид кўпгина қимматли маълумотларга эга бўлдилар. Бу нодир топилмалар турли даврларга тааллукли бўлиб, халқимизнинг маданияти, ҳунармандчилиги, кишлок хўжалиги қандай ривожланганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Якинда яна бир хушхабарнинг шоҳиди бўлдик. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг бир гуруҳ ходимлари Тошкент область Юкори Чирчик районида — Тошкент денгизидан узоқ бўлмаган жойда узоқ ва самарали археологик ишларни олиб боришди. Бу изланиш ўзининг қувончли натижасини берди. Музей ходимларининг ишига тарих фанлари кандидати В. Спришевский раҳбарлик қилмоқда. Бу ердан археологлар камалак ўқининг найзаларини, шунингдек пичоқ, танга, сопол идишлар, хум ва бошқа топилмаларни аниқлашди. Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, қадим бу ерда номаълум ҳукмронининг қароргоҳи бўлган. Ҳозир музей ходимлари қидирув ишлари билан банд.

Юқоридаги суратда: тарих фанлари кандидати В. Спришевский топилган хумни кўздан кечирмоқда. Пастдаги суратда эса қадимий номаълум ҳукмрон қароргоҳи тепалигининг умумий кўриниши.

Ю. Чернишев фотоси, (ЎзТАГ).

ЎН МИНУТ

ҲИКОЯ

Секретарь хотин телефонга бақиришда давом этди. Саломга жавобан, Шарифга совуққина қараб қўйди. Шариф эшик ёнидаги стулга омонатгина чўкиб, ўзи бундан бирон йил илгари келиб кетган шинам кабулхонани яна кўздан кечирди. Қарийб ўзгариш йўқ. Янгилик — ойнадек ярқираб турган икки қаватли сейф билан ясама хол қўйиб олган семизгина секретарь хотин.

Ўтган гал бу ерда бошқа хотин бор эди. У ҳар жиҳатдан бунинг акси эди: озғин, интеллигентнамо, узун бўйли, камтар. У Шарифга ширинсўзлик билан муомала қилган, «ўтириб туринг, шеф ҳозир келиб қоладилар» деб, қўлига иккита янги газета ҳам берган эди. Бунисн эса юзингда кўзинг борми демайди. Ёши элликлдан ошган бўлишига қарамай, ясама хол қўйиптн. Бунисн ҳам етмагандек телефонга ўшқиради. Гўё Шарифга теккизаётгандек

«Хол қўйди» иборасини биринчи бўлиб ишлатган ота-боболаримиз ҳам мана шундайларнинг «ҳусни жамоли», қолаверса «одоб-тавозе»сидан «ихломи жўш уриб кетиб» айтган бўлса ажаб эмас.

Хуллас, секретари «хол қўйипти», қали замон шефи келиб, «қовун тушурмаса!»

Шарифнинг хотирига ўзи билан домлалик қиладигаи кекса педагогнинг ҳикояси тушди. Сочи кордек оқ домла иш билан бир қабулхонага боради. У ерда ўтирган иккита суқсурдек секретарь қиз домла билан салом-алик қилиш у ёкда турсин, қатто унга стул ҳам таклиф қилмайдилар. Домла булар ўз бошлиқларидан андаза олишган бўлса керак, деган хаёлда кабулхонани тарк этади. У бошлиқ ёнига қайтиб келмайди.

— Айтяпман-ку, гўшт холодильникда деб! — трубкага дўқ қилди, секретарь хотин. — Бола мактабдан соат иккида қайтади. Ўнгача овқат тайёр бўлсин!...

Шариф деворлаги тўғарак соатга қаради. Иккига ўн минут бор. Бу вақт ичида овқат пишармикан? Яна гўштлик овқат?

Ўн минутда чой қайнатиш қийин...

Шарифнинг хотирига яқинда мактабда бўлиб ўтган мунозара тушди. Мунозара вақт ҳақида эди. Ўқувчилардан бири ўн минут ниҳоятда катта вақт экканлиги, бу вақт ичида табиатда ва жаҳонда озмунча воқеалар содир бўлмаслигини исбот қилди. У ҳатто Эйнштейннинг нисбийлик назариясини орага тиқди...

Бошлиқ кабинети ёнидаги хонадан узун бўйли, оқ қўйлакли озғин бир киши чиқди. У Шарифга: «танаффус вақтида бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Кутиш учун коридор қуриганми?» дегандек тикилиб ўтди. Шариф уни ўтган гал келганда ҳам кўрган, у Фаттоҳнинг ёрдамчиси экканлигини эшитган эди. Унинг бирқадар совуқ муомиласи учун қабулхонада ўн минутгина ўтириб кетиб қолган эди.

Башарти у ўшанда ўн минут ўрнига йигирма минут ўтирганда балки Маҳмудовнинг иши битиб кетган ва у бир йил давомида руҳий азоб чекиб юрмаган бўларди. Демак ўн минутнинг таъсири қарийб бир йилга тегиган... Ҳа, нисбийлик назариясининг ҳадди, чегараси йўқ.

Ўн минут! Ҳам кўп, ҳам оз.

Айтмоқчи Шарифлар мактабда ўқиб юрган кезларда нисбийлик назарияси у ёкда турсин, ҳатто Эйнштейннинг номини ҳам эшитишмаган эди. Ҳозир бўлса буни саккизинчи синф ўқувчилари ҳам биласи. Синфда Шариф тўртта аълочининг бири эди, бўлмаса... Иккинчиси Фаттоҳ эди. Нисбийлик назариясидан у ҳам хабарсиз эди.

— Сиз қаердансиз?..

Шариф таажжуб билан бошини кўтарди. Хотин саволни такрорлагач, мақсадини тушунди.

— Мен... педагогман.

— Нима юмушингиз бор?

— Юмушим... шахсий.

Хотин қабул кунлари ёзилган тахтачага маъноли қараб қўйди. Кейин соатга кўз ташлаб, сумкасини очди. Ундан юмалоқ кўзгу олиб, ясама хол теварагини оқлашга киришди. Шарифга бўлан эътибор бермади.

...У вақтлар Шариф синфда энг шўхи, тўполончиси эди. Илмий мудир ёки директор олдига «қатнаш» одат тусига кириб қолган эди. У фақат Фаттоҳ билан сеннмек қилмасди. Фаттоҳ ундан биринчи ёш каттароқ бўлгани учун баъзан унга насиҳат қилиб турарди. Ўзи эса синфда энг намунали ўқувчи эди. Агар чўнтагида беш-ўн тийин пайдо бўлиб қолса уни албатта Шариф билан баҳам кўрарди. Бунга яна бир сабаб — Шарифлар бир қадар қийинчиликда яшашар, Фаттоҳ буни яхши биларди. Улар мактабнинг енгинасида бировнинг қопқора уйида туришар. Фаттоҳ баъзида уларникига бориб турарди.

Тақдир интизомсизлик ўқитувчига қай даражада таъсир қилишини исбот қилмоқчидек Шарифни мактабга ўқитувчи қилди. Фаттоҳ эса юксакроқ мартабага эришиб, мана шу шинам қабулхона ва залдек кенг кабинетнинг соҳибн бўлди. Шаҳарда ҳамма унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Хуллас, одмичасига айтганда қатта одам!

Лекин ёсекретарига қараганда Фаттоҳ илгариги Фаттоҳ эмас.

Юксак мартаба айрим кимсалар каби балки уни ҳам айнатган...

Сув теккан темир занглайди. Нам ерда қолган алюмин чирийди. Миснинг «миси чиқади» ва ҳоказо. Шариф физик сифатида бу жараённи яхши билади...

Фақат олтин айнимайди. Ҳар қандай шароитда инсонлигича қоладиган кишиларни халқ бечиз «олтин одам» демайди! «Жез одам», «алюмин одам» деган ибора йўқ.

Хўп Фаттоҳ ҳам олтин одам бўлсин. Унда нега секретари «хол қўйган», ёрдамчиси «қовун туширган»? (Шариф, Фаттоҳ уни яхши кабул қилса шу ибораларни ишлатмоқчи эди). Ахир томчи сувда олам акси бор. Масалан, троллейбусда, автобусда кексаларга ёки аёлларга жой бермаган кишилар кўзга ёмон кўринади.

Хулоса—Фаттоҳ ҳам айниган. Лекин Шариф бунга рози эмас!

Хўш, унинг рози-норозилиги билан кимнинг иши бор?

Бирон қарорга келиш керак.

Шариф ўтган гал ҳам ана шундай андишаларни дилдан кечирган ва ўн минутгина кутиб, кетиб қолган эди.

Бу гал ҳам ўн минут кутиб яна кетаверади. Туя кўрдингми—йўқ.

Тўғри. Унда Маҳмудовнинг иши нима бўлади? Ҳақ иш. Орадан анг-лашилмовчилик ўтган, холос. У ўз раҳбарининг битта гапи билан ариза бериб бўшаб кетаверган. Яъни бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирган. Ўтган хатони бориб Фаттоҳга айтмаган. Бунга унинг гурури йўл қўймаган. Тушунмаганки, унинг ташкилотига ўхшаган ташкилот Фаттоҳнинг қарамағида бир талай. Характер деган нарсани жиловда тутмай бўладимй?

Дарвоқе, Шариф Фаттоҳ билан учрашмаганига неча йил бўлди?

Уруш бошланган йил улар бешинчи синфни тугатишаётган эди. Ўқитувчиларнинг аксари армияга кетгани сабабли икки мактаб бирлаштирилди.

Фаттоҳ ўша мактабга кетди. Шариф отаси фронтга кетгани сабабли бир йил ўқишдан қолиб кетди. То онаси ишга киргунча бисотларидаги битта эчкини боқди, сутини сотиб онасига келтириб бериб турди. Тўрт киши—онаси, ўн ёшли акаси ва тўрт ёшли синглиси шунга тирикчилик қилишди.

Қирқ иккинчи йил. Қишнинг кеч куз, Кора совуқ. Уйда биронта ўтин ё кўмир йўқ.

Бир гал Шариф сут сотиб келаётиб, шундай манзарани устидан чиқди: Мактабнинг пахса деворн ёригидан кекса коровул маюс қараб турибди. Тўрт ёшли қизча, чуноли хасни судрагандек катта бир саксовулни судраб кетяпти. Тор кўчани қалин қиров босган.

Қизча яланг оёқ. устида юпунгина кўйлак. Афтидан қиз ўтинни мактаб ҳовлисидан олган, кекса коровул эса уни чўчитиб юбормаслик учун ўзини панага тортган.

Шариф югуриб бориб синглисини бағрига олди. У совуқдан титрар, қўлларини нафаси билан иситар эди.

У қизчани олиб кириб ётқизди. Устига қалин кўрпа ёпти. Чиқиб унинг ўтинини ҳам олиб кирди

Бироқ қизча ўш ётганича қайтиб турмади. Орадан икки ой ўтгач, жимгина вафот қилди. Ана тузалади, мана тузалади билан уни докторга кўрсатиш ҳам ҳеч кимнинг эсига келмапти.

Қизни дафн қилишга тўрттабешта одам йиғилди. Ўшанда Фаттоҳ ҳам келди...

Шариф ўқишни яна давом этдирди. Кейин заводга шогирдликка кирди. Энди аввалги шўхликлардан асар ҳам йўқ эди.

Ўша пайтлардан бери ҳозирга кадар у одамларга фақат яхшилик қилишни ўрганди, Маҳмудов ҳам ўшандай кишилардан бири...

Кейин у Фаттоҳни институтда ўқиб юрганида учратди. У узун бўйли келишган йигит бўлиб етишибди, Шарифнинг хотирида унинг очиқ табассуми, садафдек оппоқ тишлари қолди. Фаттоҳ катта бир заводда комсомол комитети секретари бўлиб ишлаётганини айтди,

Шундан кейин уни учратган-учратмагани хотирида йўқ. Аммо унинг муваффақиятларидан ҳабардор бўлиб юрди. Орқаворотдан ўзича хурсанд бўлди. У ишлаётган шаҳарга борио турса ҳам ҳузурига кирмади, Ким билсин, энди у катта одам. Олдита камтар ўқитувчи кириб борса хаёлига нима гаплар келиши мумкин?

Шу тариқа кишининг ярим умри ўтиб кетипти... Вақт шунақа тез ўтар экан.

Девордаги соат икки марта занг урди.

Шариф ҳаёлдан бош кўтарди. Соат икки. Ўн минут ҳам мана ўтиб кетипти.

Секретарь хотин шоша-пиша упа-эллигини сумкасига яширди. У ёқ-бу ёгини тўғрилаб кетишга ошиқди. Айни вақтда эшикдан кириб келган бошқа бир хотинга бош иргиб, коридорга шошилди.

Янги келган хотин ясама хол қўйган хотинга ғашаккур айтиб, секретарь столига ўтирди. Қўлидаги бир даста газета ва журналларни столга ёйркан. Шариф билан саломлашди. Уни кўриб Шарифнинг қайфияти тамом ўзгарди. Чунки бу ўша бир вақтлар унга иккита газета берган ширин сўз хотин эди. Афтидан ана у хотин бу ерда вақтинча навбатчилик қилган.

Секретарь Шарифга «Смена» журналини узатаркан, изоҳ берди:

—Бизга почта тушдан кейин келади. ..Ўқиб туринг, Фаттоҳ Ғафурович ҳам келиб қоладилар.

Шариф бундай хуш муомаладан негадир папирос чекиси келди. Журнални хотининг кўнгли учун варақлаб коридорга чиқди.

Бу ерда бирон кулдон кўрмагач, пастга, вестибюлга тушди. Бу ер ҳам ниҳоятда озода бўлгани учун ҳовлига чиқди. Асфальт саҳида у ён-бу ён юриб, папирос тутатди.

Илгари улар Фаттоҳ билан доимо «секлаб» сўзлашишар эди. Энди қандай гаплашса бўларкин? «Сен» деса жилла тўғри келмас...

Папирос ҳали тугагани ҳам йўқ эди, оқ «Волга» катта кўчадан шу томонга бурилди. Ичида икки одам кўринди.

Машина подъезддан ўттиз-қирқ қадам нарида тўхтади. Икки киши ташқари чиқди. Улардан бири кулранг костюмли тўлагина одам Шарифга боя Фаттоҳнинг ёрдамчиси қарагандек: «бу ерда нима қилиб юрибсан?» дегандек назар солди. Шарифга орқа ўгириб турган ҳамроҳига бир нарса деб пари кетди, Шариф: «мен дурустроқ кийинмаганим учун шундай қараётган бўлса керак?» деб ўйлади.

Бу вақт иккинчи киши унга ўгирилди. Лабларида очиқ табассум, Тишлари садафдек оппоқ. У қулочларини ёзиб келяпти, Фаттоҳ!

У Шарифни маҳкам қучоқлади.

— Марҳабо, дўстим, Омонмисан!...

Ҳожи АҲМАР.



ЗАФАР

Николай КУЛИКОВ

Она юртимизда яна бир зафар,
Зафар таронаси янграр ҳарёнда.
Юртим орзусига бўлди муяссар,
Қувонч оҳанглари еру осмонда.

Цехга кирасанми, ё чойхонада
Ва ё кезасанми шаҳарлар ошиб.
Ҳар бир оилада, ҳар хонадонда
Ғурур садолари турибди тошиб,

Нега етмас экан бошим фалакка
Нечун талпинмайди вужудда жоним.
Бу кун шодиёна солиб юракка,
Тантана қилмоқда Ўзбекистоним.

Ахир ўз-ўзидан келмади бу дам,
Пахта ҳам курашдир, жабҳадир буюк.
Бу ерда аскардир ҳар битта одам,
Бу кураш халқимга муқаддас, суюк,

Қаҳратонни енгдик, ўтдик довулдан,
Кўрқмадик бемавруд қуйганда жала,
Меҳнат иштиёқи сўнмади дилдан,
Деҳқоннинг табаррук маскани дала,

Ахир халқимизда шундай нақл бор:
Жонни қуйдирмасанг боқмагай иқбол,
Риёзат чекди у туну кун бедор,
Шу боис умиди топмади завол.

Бу кун эл бошида буюк тантана,
Ғалаба жомига юртим қўяр лаб.
У масрур жилмайиб турибди ана,
Тагин меҳнатга шай, кафтин ишқалаб.

Русчадан **А. Орипов** таржимаси.

Ангрен шаҳри йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Кенг ва озода кўчалар, хиёбонлар, муҳташам уй-жой ва маъмурий бинолар шаҳарга ҳуси бағишлаб турибди.

А. Тўраев фотоси.

БУГУН—ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР КУНИ

БИРДАМЛИК ШИОРИ ОСТИДА

Мамлакатимиз ва чет эллик студент-ёшлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётир. Ҳозир Иттифоқ, шу жумладан республикамиз олий ўқув юртларида жуда кўп чет мамлакатлардан келган студентлар билим олмоқдалар.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети қошидаги чет эллик гражданлар учун тайёрлов факультетини кейинги ўн йил мобайнида Жазоир, Куба, Вьетнам, Мали, Кения, Афғонистон, Монголия, Сомали каби йигирма саккиз мамлакатдан келган 1200 дан ортиқ талаба тамомлаб чиқди. Факультетда илгари таълим олган ҳинд аспиранти, ҳозир эса техника фанлари кандидати Шарад Педнекар хайрлашув чоғида ўз миннатдорчилигини, шундай изҳор қилган эди: «Мен Тошкентни севиб қолдим. Мен унинг нишилари олдида умрбод қарздорман. Чунки улар менинг ўқишим учун, ўзимни ўнимдагидек эркин ҳис этишим учун барча шароитларни яратиб беришди. Тошкент шаҳрини биз ҳеч қачон унутмаймиз!».

Халқаро студентлар Союзининг аъзоси бўлган СССР студентлар совети доҳий В. И. Ленининг қолоқ ва эзилган халқларга беғараз маданий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз, деган васиятларига амал қилиб, ривожланаётган мамлакатлар учун кадрлар тайёрлашдек муҳим ишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Совет Иттифоқидаги бир қатор студентлар ташкилотлари чет эл студентлар уюшмалари билан мустаҳкам алоқа боғлаганлар. Москвадаги биринчи медицина институтининг Сорбонна университетининг медицина факультети билан, Москва олий техника билим юртининг Париждаги Паскэло номидаги политехника мактаби билан, Ленинград университетининг Хельсинки шаҳар университети билан делегация айрбошлаши анъанага айланиб қолган.

Бугунги кунда республикамиз олий ўқув юртларининг талабалари Халқаро студентлар кунини ченг нишонлар эканлар, ана шу санага бағишланган ўз тантаналарида тинчлик ва дўстлик учун нурашаётган жаҳондаги прогрессив ёшлар бирдам эканликларини яна бир марта намойиш этадилар.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети қошидаги чет эллик гражданлар учун тайёрлов факультетида кўплаб муҳожир-ёшлар таҳсил кўришмоқда. Суратларда: (юқорида) вьетнамлик талабалар бўш вақтларини китоб мутолааси билан ўтказадилар. Тайёрлов факультетининг ўқитувчиси С. Я. Бильмес вьетнамлик ёшлар билан машғулот ўтказмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

СПОРТ

ЯНГИЛИКЛАР

Командамиз шуҳрати

СССР халқлари V спартакиадасида Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилар командаси ўйинлари кўпчиликка манзур бўлиб қолганди. Кеча Ереванда яна бир хушхабар олинди. Бу ерда «Спартак» кўнгилли спорт жамияти марказий совети чемпионати мусобақалари тугади. Мусобақаларда мамлакатимизнинг турли шаҳарлари хотин-қизларидан иборат ўн команда иштирок этди.

Республикамиз спартакчилари шуҳратини ҳимоя қилишга Тошкентнинг «Автомобилист» ва ёшлар терма командалари даъват этилган эди. Автомобилчи-волейболчилар чемпионат мусобақаларида муваффақиятли ўйинлар кўрсатишди. Тошкентликлар 3:0 ҳисобида рақибларини мағлубиятга учратдилар. Харьков, Минск ва Москва командалари «Автомобилист»дан 3:1 ҳисобида енгилдилар. Донецк командаси 3:2 ҳисобида мағлуб бўлди. Фақат бир учрашув — Ленинград командаси билан ўйинда республикамиз волейболчилари 0:3 ҳисобида енгилдилар. Натижада мағлубиятсиз ўйнаган Ленинградликлардан кейин «Автомобилист» иккинчи ўрин — кумуш медалга муносиб кўрилди.

Тошкентнинг ёшлар терма командаси олтинчи ўрин билан кифояланди.

Хоккейчиларнинг тўрт учрашуви

Утган якшанба куни мамлакат хоккейчилари чемпионатининг тўрт учрашуви бўлди. «Спартак» — «Химик» учрашувида 6:2 ҳисоби қайд қилинди. ЦСКА — «Трактор» командасини 10:1 ҳисобида ютди. Торпедочилар билан динамочилар учрашуви 4:3 ҳисобида тугади. Армиячилар спорт клуби командаси билан «Локомотив» беллашуви 4:3 ҳисобида тамом бўлди.

Э. Сааъди Орлеанда

СССР билан Франция гимнастиначилари Орлеанда ўртоқлик учрашувларини икки кун давомида қизиқарли ўтказдилар. СССР хотин-қизлар терма командаси составида республикамиз вакили Элвира Сааъди ҳам бор эди. Унинг гўзал ҳаракатлари томошабинларда катта қизиқиш уйғатди. Хотин-қизлар командалари учрашувларида мамлакатимиз спортчилари 372,05:352.60 ҳисобида ғалаба қозондилар. Эркаклар командамиз 558,70: 534,65 билан устун келдилар. Шахсий мусобақаларда Совет Иттифоқи вакили Л. Бурда 74,40 балл тўплаб жуда яхши натижага эришди.

Сафардаги беллашувлар

СССР футболчилари терма командаси чет элга жўнаб кетди. Кеча футболчиларимиз Ғарбий Берлинда маҳаллий «Теннис — Боруссия» командаси билан учрашди. Энди Германия Федератив Республикаси командаси билан 20 ва 22 ноябрь кунлари мусобақалар бўлади. Мамлакатимиз терма командаси 25 ноябрь куни Туркияда Стамбулнинг «Фенербахча» командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказади.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 19 ноябрда чиқади.

Редактор ўринбосари
Х. ЁДГОРОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҚУДУҚДА УГОРЬ

Мана юз йилдан ҳам кўп бўляптики, Швециянинг Симишэм деган жойидаги бир қудуқда ажойиб угорь яшаяпти. Бу балиқни 1859 йили шу ерлик Нильсон деган киши сувни зарарли мавжудотлардан тозалаб гурсин деб қудуққа ташлаган эди. Ўшандан бўён Нильсоннинг авлодлари угорни ғамхўрлик билан боқиб келяптилар, балиқ эса сувни тозалашдан иборат бўлган ўз вазифасини ҳалоллик билан бажармоқда.

ҚУНҒИРОҚ ЎРНИГА НАЙ

АҚШда янгича телефон аппаратлари сотила бошлади. Бу аппаратлардан одатдаги қўнғироқ ўрнига қурбақанинг ваққиллаши ёки чумчуқнинг чирқиллаши эшитилади. Айрим аппаратлар най ёки сурнайникига ўхшаш ёқимли товуш чиқаради.

КЕЧИККАН ҚАРОР

Яқинда Британия парламенти 1667 йилда чиқарилган қонунни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қонунга кўра, об-ҳавони олдиндан айтишга уринган кишилар ўтда ёндиришгача бўлган оғир жазога тортилар эди. Энди инглиз метеорологлари ташвиш тортмасалар ҳам бўлади.

ГРИПП ВА КИНО

«Кино кашф қилинганига яқинда 75 йил тўлди, — деб ёзади француз журналисти Ловик.—Уни яратган Луи Люмьер ўз даврининг жуда содда кишиларидан эди. У умрининг охирида шу пайтгача ҳеч кимга айтмаган сирини менга очди: «Мен грипп билан оғриб, уч кунгача ҳеч ёққа чиқмасдан тўшакда ётишим керак эди. Зерикиб кетганимдан кинони кашф этдим».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

20 ноябрь кундуз соат 1 да
22 ноябрь кеч соат 8 яримда

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 ноябрь кундуз соат 2 ва кеч соат 8 да

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЕШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
КОММУНА ИСМОИЛОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ТУХТА РИСМЕТОВА, САЛОҲИДДИН ТУХТАСИНОВ;**

Солистлар: Фотима БАРАТОВА, Комолиддин РАҲИМОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Ғулоҳжон ва Абдуллажон ҒАФУРОВЛАР, Сотиболди ЙЎЛДОШЕВ, Ўткир ХОЛМУҲАМЕДОВ.

Асия, юмор ва сатирачилар: Мадаминжон ЮСУПОВ, Неъматжон ТОШМАТОВ, Йўлдошхон НОСИРОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ ЖУР БЎЛАДИ

Музика раҳбари Салоҳиддин Тўхтасинов.

БИЛЕТЛАР Свердлов номли концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00—МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ахборот, **Ўзбек тилида:** 18.15 — Концерт. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Паролнинг ҳожати йўқ (бадиий фильмнинг 2- серияси). 20.30 — Ахборот. 20.45 — Ўзбекистон композиторлари VI съезди олдидан. Ўзбек эстрадаси. 21.30 — МОСКВА. Вақт. 22.00 — **Хоккей.** СССР биринчилиги учун: СКА (Ленинград) — «ДИНАМО».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.35 — МОСКВА. 21.30 ТОШКЕНТ: **Ўзбек тилида:** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлар қўшиғи — жаҳон бўйлаб янграйди». 22.10 — «Ярим аср йилномаси. 1965 йил».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. **Ўзбек тилида:** Ишчилар синфи ҳақида поэма (ҳужжатли фильм). **Рус тилида:** 20.55 — Овдаги драма. фильм-спектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/XI да **Дилором.** 18/XI да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XI да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/XI да **Лаҳма.** 18/XI да **Паранжи сирлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСР халқ артисти И. РУБАН** раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида **МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади).

КИНО

Асосий зарба (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «КУКЧА» (кундуз ва кечкурун).

Бир дақиқалик сукунат — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Симон Боливар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «МОСКВА», (кундуз соат 11.40, 3.20 минут, кеч 7 ва 9 да).

Қобулдаги миссия (2 серия) — ҲАМЗА номли, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун).

Жиноят қидирув инспектори — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун).

Сен ёнимда бўлсанг — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Қотилдан қасос — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда),

Чермен — «МОСКВА» (кундуз соат 1 ярим ва 5 да).

Ўзбекистон ССР Молия министрлигининг коллегияси министрлик партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда республика давлат страхование бошқармаси шу министрлигининг штат бошқармаси бошлиғи Н. Қ. Мусаевга отаси

Қосим МУСАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари молиялиқтисод факультетининг декани, доцент Т. Қ. Қосимовга отаси

Қосим МУСАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари КПСС тарихи кафедрасининг ўқитувчиси Ҳ. Раҳматовга онаси

Хайри РАҲМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ — ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

АРКОНАМА ПЎЛАТИ

Ҳиндистоннинг барча газеталарида Арконама пўлат бера бошлади, деган хабар босилиб чиқди.

...Уни салкам тўрт йил кутишган эди. Уни бўлажак завод ўрнида эчкилар боқиб юришганда ҳам, бу ерга Совет Иттифоқида тайёрланган ускуналар келтирилганда ҳам кутишар эди. Бу ҳақдаги хабар яшин тезлигида атрофга ёйилди. Яқинда саноат тараққиёти Давлат корпорациясининг раиси М. С. Рам кишиларни завод қурилишининг тугалланиши билан табриклаб, ҳинд таомилига кўра ёниб турган электр печга бир коса гул яproқларни ташлади.

Эсимда, завод қурилишига илк бор боришимизда шофёр билан йўлда адашиб қолгандик. Мадорасдан 50 мил нариқда жойлашган Арконама шаҳарчасининг тор кўчалари бизни бутунлай ҳолдан тойдирди. Бизга бошқа-бошқа корхоналарни кўрсатаверишибди. Ниҳоят йўловчилардан бири руслар қураётганини сўраяпсизларми, деганидан сўнггина заводни топиб олдик.

Заводни ҳинд фирмалари қуришди. Лекин унинг СССРнинг техникавий ҳамкорлигида, ва совет мутахассислари ёрдамида қурилаётганини ҳамма биларди. Бу ерда совет инженерларидан саккиз киши ишлаяпти. Группага Виктор Тимофеев бошчилик қилмоқда. Ун беш ҳинд инженери ҳам улар билан ёнма ён меҳнат қилишяпти. Улар энг яхши совет металлургия комбинатларидан бўлган Липецк комбинатида узоқ муддатли практика ўтказиб келганлар.

«Биз бир-биримизни ярим сўздаёқ тушуниб оламиз», дейди рус тилида инженер Важкатесон. У жуда масъулиятли лавозимда. Важкатесон заводда автоматикани, алоқани, сигнални, телевидениени бошқаради. Инженер Ражарам эса контроль-ўлчов приборлари бўлимининг бошлиғидир.

«Совет кишилари жуда меҳрибон. Улар илтимосингни ҳеч маҳал қайтаришмайди» — дейди инженер Кумарасвами. Бошқа ҳинд ишчилари ҳам шундай фикрдалар. «Мен сизларнинг мутахассисларингиздан беҳад миннатдорман,, дейди гидравлик пресс оператори Васудеван. — Заводга келганимда тажрибам сира йўқ эди, дастлаб кўп хато қилардим. Лекин рус инженерлари уришишмади, устимдан кулишмади ҳам, эринмай тушунтиришди, ўргатишди. Энди ҳаммасини ўзим қиламан».

Завод коллективи совет дўстлари билан жуда иноқлашиб кетишди. Маҳаллий тантаналар ва ҳинд миллий фестивалларида совет инженерлари ҳамиша фахрли ўринларда ўтиришади. Бирорта совет байрами ёки оила тантанаси ҳинд меҳмонларисиз ўтмайди.

Арконама заводи Совет Иттифоқининг ёрдами билан Ҳиндистонда қурилган учинчи металлургия корхонасидир. Гарчи йилига 50 минг тонна металл берадиган қуввати жиҳатидан уни Бхилаи ва Бокаро гигантлари билан тенглаштириб бўлмасада, Арконама пўлати жуда қиммат туради. У чўян эмас, балки Ҳиндистонга жуда зарур бўлган ва уни четдан сотиб олаётган юқори сифатли электр пўлати ишлаб чиқаради.

Шундай қилиб, Арконама металлургия заводи ишга туширилди. Ҳаздемай заводнинг асбоб-ускуналари тўла ўрнатилиб, ҳинд «Электростали» маҳсулот бера бошлайди.

Г. КОВАЛЕВ,
(АПН).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВЕНАГА КЕЛДИ

ВЕНА. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов бошчилигидаги Совет делегацияси стратегик қуролланишни чеклаш тўғрисида Совет — Америка музокараларида қатнашмоқ учун Венага келди.

Совет Иттифоқи делегациясининг раҳбари, Совет ҳукумати делегацияга ишчанлик ва конструктив руҳда музокаралар олиб бориш тўғрисида йўл-йўриқ берганлигини айтди. Биз, деди у, музокараларнинг бошланадиган янги давраси ижобий натижаларга эришмоқ учун реал имконият беради, деб ҳисоблаймиз, бу музокараларнинг асосий йўналиши СССР ва АҚШ ҳукуматларининг шу йил 20 майда келишиб олганлиги натижасида аниқ белгиланган.

СССР билан АҚШ ўртасида ядро урушининг бошланиб кетиш хавфини камайтириш ва СССР— АҚШ ўртасидаги тўппа-тўғри алоқа линиясини такомиллаштириш чоралари тўғрисида шу йил 30 сентябрда имзоланган битимлар шу вақтгача олиб борилган музокараларнинг сезиларли натижаси бўлди ва бу натижа ҳар иккала томон истаган тақдирда ва томонлар холислик билан ҳаракат қилганларида фойдали натижаларга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ўз-ўзидан маълумки, деди В. С. Семёнов, мавжуд имкониятларнинг амалга оширилиши фақат бир томоннинг ҳаракатига боғлиқ бўлмасдан, балки ҳар иккала томоннинг ҳаракатига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу ерда бир мунча олга силжишга муваффақ бўламиз, деган умиддамиз.

АҚШнинг қуролсизланиш ва қуролларнинг устидан назорат қилиб туриш агентлиги директори Ж. Смит бошчилигидаги АҚШ делегацияси ҳам Венага келди.

Стратегик қуролланишни чеклаб қўйиш тўғрисида Совет Америка музокаралари икки ўртадаги келишувга мувофиқ 15 ноябрда Венада янгидан бошланди.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

◆ БОНН. Шимолий Вюртенберг ва Шимолий Баден (ГФР) районларининг металлни қайта ишловчи ва металлургия саноати ишчи, хизматчиларидан 11500 дан ортиқ киши қисқа муддатли забастовкаларда қатнашди. Улар меҳнат шароитини яхшилашни, иш ҳақини оширишни талаб қилган металлистлар касаба союзининг талабини қондиришдан бош тортган корхона эгаларининг позицияларига қарши норозилик билдирдилар.

◆ ЛОНДОН. Бристолдаги «Роллс-Ройс» авиамотор заводларининг 6000 дан ортиқ ишчиси забастовкани давом эттиришга қарор қилди. Авиасозлар иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар. Бристолдаги «Роллс-Ройс» заводлари бу фирманинг яқинларда бўлиб ўтган молиявий инқирозидан сўнг ҳукумат назорати остида Англия — Франциянинг «Конкорд» самолёти ва «Харриер» реактив қирувчи самолёти учун двигателлар ишлаб чиқариш бўйича буюртмаларни бажаряпти.

◆ БАЙРУТ. Ливан давлат сектори автотранспорт компаниялари ишчи ва хизматчиларининг олти кун давом этган забастовкаси меҳнаткашларнинг ғалабаси билан тугади. Маъмурият меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги, бир қанча солиқларни бекор қилиш ва касаба союз вакилларини корхона, муассасаларнинг маъмурий кенгашларига киритиш тўғрисидаги уларнинг талабини қондиришга мажбур бўлди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Барбадос пайтахтида докерларнинг забастовкаси давом этмоқда. Забастовка порт ишни батамом тўхтатиб қўйди. Бу ҳақда АП агентлигининг мухбири Бриджтаундан хабар берди. Ишчилар иш ҳақи кўпайтирилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

Шимолий Америка империализми ва маҳаллий реакциянинг қаршилик кўрсатишига қарамай, Сальвадор Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик курашидан четда турганини йўқ. Бу ерда оппозицион партиялар кучга кириб, мамлакатда ўзгариш бўлишини талаб қилмоқдалар. Социалистик дунё билан иқтисодий ва маданий алоқаларни тиклашга бўлган ҳаракат кучайиб бормоқда. Реакциянинг ҳар қандай тўсиқ қўйишларига қарамай, оммавий ҳаракат эўрайиб боряпти. Суратда: Сан-Сальвадорда ўқитувчиларнинг оммавий намойиши акс эттирилган. Ўқитувчилар ўзларининг моддий аҳволини яхшилашни талаб қилиб чиқишган.

ТАСС фотохроникаси.

БУЮК БРИТАНИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XXXII СЪЕЗДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Лондондаги «Кэмден таун холл» залида Буюк Британия Коммунистик партиясининг навбатдаги XXXII съезди давом этмоқда. Буюк Британия Компартиясининг Ижроия Комитети тайёрлаган учта асосий резолюциянинг лойиҳалари — «бирлик Коммунистик партия ва социализм учун кураш», «умумий бозор ва Европа хавфсизлиги», «хотин-қизларнинг жамиятдаги роли» — резолюцияларининг лойиҳалари муҳокама қилиш учун съезд кун тартибига қўйилган.

Шимолий Ирландиядаги, Вьетнамдаги ва Жанубий Африка Республикасидаги аҳвол тўғрисида бир қанча фавқулодда резолюциялар, шунингдек Анжела Дэвиснинг дарҳол озод қилиш талаб этилган резолюция ҳам съезд муҳокамасига тақдим этилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий қишлар ва хатлар — 332143, 333553. Илюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 267. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 03010.